


Я.Х. ҒАФҒОРОВ

ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ҲАМКОРЛИГИ



324
F-29

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Я.Х. Гаффоров

ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Ўқув қўлланма

I-қисм

—8481—

ТОШКЕНТ
«ISHONCHLI HAMKOR»
2021

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

Тузувчи:

т.ф.н.доц. Гаффаров Я.Х.

Такризчилар:

т.ф.д. Ғуломов Х.Ғ.

т.ф.н. доц. Холлиев А.

т.ф.н.доц. Алимова Р.

Маъсул муҳаррир:

т.ф.н.доц. Ҳроқов Д.

Мазкур ўқув қўлланма икки қисмдан иборат бўлиб, унинг 1-қисмида ҳозирги замон алоқаларида халқаро ташкилотлар ва давлатлараро ҳамкорлик йўллари ёритилган. Жумладан ўқув қўлланмада интеграция шароитида дунё ҳамжамиятининг шаклланиши тарихи ва унинг мамлакатлараро ҳамкорликка таъсири, минтақавий ҳамкорликни таъминлашда халқаро ташкилотлар фаолияти, шунингдек, ҳозирги босқичда халқаро ташкилотлар ва мамлакатлараро ҳамкорликнинг вазифалари ҳамда унга амал қилиш йўллари кўрсатишга ҳаракат қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 октябрдаги 522-сонли буйруғига асосан ўқув қўлланма сифатида нашр этишга рухсат берилган.

ISBN 978-9943-7444-1-7

КИРИШ

Маълумки халқаро ташкилотлар ва давлатлараро ҳамкорликнинг ривожланиши, халқаро ҳуқуқ тартиботини таъминлаш, инсониятни ҳаётий аҳамиятга молик манфаатларини ҳар тамонлама муҳофаза қилиш халқаро тинчлик ва хавфсизликни турли даҳшатли таҳдидлардан асраб қолиш халқаро ҳуқуқ соҳаси олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Бугунги кундаги халқаро террорчилик ва экстремизм, тажавузкор миллатчилик, сепаратизм, наркобизнес одам савдоси, шунингдек коллектив хавфсизликнинг универсал ва минтақавий асосларга буткул зид равишда амалга оширилаётган агрессив ҳаракатларга барҳам бериш вазифаларининг ҳал этилиши барча давлатларнинг уларга қарши курашда бирлаштириш самарадорлигига, халқаро ҳамкорлик масалаларига ҳам бевосита боғлиқдир. Ҳозирги замон алоқаларида халқаро ташкилотлар ҳамкорликнинг шаклларида бири сифатида муҳим рол ўйнайди. Халқаро ташкилотлар тизимининг мураккаблашиб бориши ва ваколатларининг кенгайтирилиши табиий тус олмоқда. XXI аср бошида фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотларининг сони 4 мингдан ортиқ бўлиб, 300 таси ҳукуматлараро ташкилотлардир. Улар ўртасидаги алоқалар ва олиб борилаётган ҳамкорлик ташкилотлар тизими ҳақида гапиришга имкон беради. “Халқаро ташкилотлар” атамаси одатда давлатлараро ва ноҳукумат ташкилотларга нисбатан қўлланилади. Давлатлараро ташкилот учун қуйидаги белгилар характерлидир:

Биринчидан, давлатларнинг аъзолиги;

Иккинчидан, халқаро таъсис шартномасининг мавжудлиги;

Учинчидан, доимий органларнинг мавжудлиги;

Тўртинчидан, давлатлар суверенитетининг ҳурмат қилиниши.

Халқаро ташкилотлар ҳуқуқнинг субъектлари ҳисобланадилар.

Аъзоларининг таркибига кўра халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар: Биринчи, универсал, барча давлатлар иштирок этишлари учун очик ташкилотлар (масалан БМТ ва унинг иктисослаштирилган ташкилотлари); Иккинчи, минтақавий, маълум минтақада жойлашган давлатларгина аъзо бўлишлари мумкин ташкилотлар (Европа кенгаши, Африка бирлиги ташкилоти) га бўлинади.

Давлатлараро ташкилотлар умумий ва махсус ваколатли ташкилотларга бўлинади. Умумий ваколатли ташкилотлар фаолияти аъзо давлатлар ўртасидаги алоқаларининг ҳамма (сиёсий иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа) соҳаларига тегишли бўлади.

Халқаро ташкилотлар давлатлараро дипломатик алоқаларга кириша оладилар. Уларда давлатлар вакиллари аккредитация қилинишлари мумкин ёки ташкилотлар давлатларда ваколатхоналари (БМТ ахборот марказлари)ни очишлари, ўзаро вакиллар алмашиши мумкин. Масалан, 1993-йилда Ўзбекистон Республикаси давлати ва БМТ ўртасида иқтисодий ўсишнинг муҳим муаммоларининг ҳал этишга кўмаклашиш ижтимоий соҳанинг илдамлашишига кўмаклашиш аҳоли турмуш тарзини яхшилаш мақсадларини кўзлаб БМТ нинг органлари, фондлари ва дастурларини бирлаштирувчи кўшма ваколатхона тузиш ҳақида битим имзоланган.¹

Бугунги кунда дунё мамлакатлари кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорликни амалга оширмоқда. Бундай халқаро ташкилотлар орасида БМТ, ЕХХТ, ЕИ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, ЕИХ, ШХТ ва бошқалар бор ушбу ҳамкорликлар биринчи навбатда кўплаб халқаро сиёсий муаммоларини ҳам-жихатликда ечиш имкониятини, жумладан мамлакатдаги ва умумман минтақадаги ҳавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга бундан ташқари бир қатор бошқа муаммолар мавжудки, уларни ҳал этиш учун албатта халқаро ва давлатлараро икки томонлама муносабатлар ва ҳамкорликлар тақозо этилади. Жумладан Осиё ва Европа мамлакатлари билан савдо иқтисодий муносабатларни кенгайтириш давлатлараро нефт қувурларини ўтказиш халқаро автомобил ва темир йўл магистралларини қуриш, Ўзбекистоннинг Осиё мамлакатлари бозорига кам молиявий харажат эвазига чиқиш имкониятини берувчи коммуникацион тармоқларини яратиш бундай муаммолар сирасига киради.²

Асримиз бошларидан бошлаб халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик муносабатларига алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. Мазкур ҳамкорликлар хўжалик юритувчи субъектлар томо-

нидан тенглик асосида ҳар бир давлатларнинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ташқи олам билан алоқа ўрнатишни ривожлантиришда халқаро валюта, молия, механизмдан фойдаланиш, шунингдек халқаро институтлар томонидан жамиятнинг барча соҳаларининг ислоҳ қилиш ҳамда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида молиявий, техникавий, ва консультатив ёрдам олиш учун ниҳоятда зарур. Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик айниқса халқаро терроризм, диний экстремизм, сепаратизм, ҳамда наркобизнесга қарши биргаликда кураш олиб бориш шунингдек айрим минтақаларни ядровий қуроллардан ҳоли зона деб эълон қилиш муаммосини ҳал этиш учун жуда зарур. Бугунги кунда халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни хавфсизликни таъминлаш жамият ҳаётида юз бераётган ислоҳатларни янада чуқурлаштириш бўйича давлатлараро жиддий ишлар амалга оширилмоқда. Бу ишлар жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувининг муҳим шартларидан бири асосий омили сифатида баҳоланмоқда. Халқаро ташкилотлар ва давлатлараро ҳар томонлама ҳамкорликларни тарихийлик жихатидан ўрганиш бугунги кун ва келажакимиз ёшлари учун ғоят муҳимдир. Ҳозирги вазиятда интеграцион жараёнлар халқаро ташкилотлар билан алоқаларда тобора бошқача аҳамият касб этмоқда. Катта ёки кичиклигидан қатъий назар барча мамлакатларнинг ўзаро манфаатдорлик асосидаги ҳамкорлигининг умумдемократик асослари тан олинмоқда. “Ўзбекистон бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти билан яқин ҳамкорлик қилишга жуда катта аҳамият бермоқда. Биз дунё аҳли мамлакатимизни яқиндан билишини, халқимизнинг бой тарихи ва маданиятини ўз кўзи билан кўришини истаймиз. Бу борада туризм имкониятлари муҳим рол ўйнайди.” деб таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев.¹ Бундай ҳамкорлик ҳеч бир мамлакатнинг манфаатларини камситмайди. Халқаро ташкилотлар ва давлатлараро ҳамкорлик масаласи илгари собиқ мамурий бўй-рукбозликка асосланган тоталитар тузум даврида шу қадар чеклаб қўйилган эдики, бундай шароитда бошқа мамлакатлар билан, айниқса халқаро ташкилотлар билан мустақил равишда алоқалар

¹ А.Саидов. Халқаро ҳуқуқ. Т. “Адолат” 2001 йил, 164-166 бетлар.

² А.Қирғизбоев. Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги. Т. Фан., 2004 йил, 93-бет

¹ Ш.Мирзиёев. Нияти улуг халқнинг иши ҳам улуг, ҳаёти ёруғ ва келажак фаровон бўлади. Т. “Ўзбекистон”, 3-жилд, 345-346 бетлар.

ўрнатиш хусусида гапириш ҳам мумкин эмас эди. Фақат XX аср охириларида келиб яъни, миллий мустақиллик қўлга киритилгандан кейингина дунёнинг жуда кўп давлатлари жумладан Ўзбекистон учун ҳам турли давлатлар, турли халқаро ташкилотлар билан ўзаро иқтисодий-маданий ва сиёсий алоқалар ўрнатиш имконияти пайдо бўлди. Бундай ҳамкорликдан мақсад эндиликда тасодифий узук-юлуқ равишда эмас, балки доимий ҳамда ҳаётнинг барча сахаларини қамраб олувчи кенг миқёсли алоқалар тарзида амалга оширилмоқда. Ушбу ўқув қўлланманинг мақсад ва вазифаси дунё ҳамжамиятига кирувчи давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг ҳар томонлама ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрганишдан иборатдир. Чунки бу халқаро ташкилотларнинг тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлашдаги ижтимоий-иқтисодий, маданий, инсон ҳуқуқлари билан муаммоларини ҳал этишда аҳамияти каттадир. Шунинг учун ҳам бу халқаро ташкилотлар ва давлатлараро ҳамкорликда амалга оширилаётган самарали ишларнинг ва ютуқларни ўрганиш асосий вазифамиздир.

Халқаро ташкилотлар ва давлатлараро ҳамкорлик самародарлигини ошириш муаммолари кўпгина ҳорижлик олимлар ва Ўзбекистонлик мутахассис олимлар эътиборини ҳамиша жалб этиб келган. Айниқса мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг халқаро ташкилотлар ва дунё давлатлари билан ўзаро иқтисодий-маданий ва сиёсий ҳамкорликлари кўплаб олимларимиз ва шу соҳа билан кизиқувчилар томонидан ўрганилиб келинган.

Дунё ҳамжамиятида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик таърихини ўрганиш алоҳида бир таърихий аҳамиятга эгадир. Бугунги кунда кўпгина муаллифлар томонидан халқаро ташкилотлар ва давлатлараро ҳамкорликлар муносабатлари иқтисодий-маданий ва сиёсий жиҳатдан ҳар томонлама ёритишга ҳаракат қилинмоқда. Мазкур ўқув қўлланмада ҳам халқаро ташкилотлар ҳамкорлиги алоқаларини ўрганишга кенг ўрин берилган.

I БОБ.

ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ВА ДАВЛАТЛАРАРО ХАМКОРЛИКНИНГ БОШЛАНИШИ

1. Интеграция жараёнлари ва мамлакатлараро ҳамкорлик имкониятлари.

Маълумки, дунёда глобал ва минтақавий ўзгаришлар содир бўлаётган бугунги мураккаб бир шароитда мамлакатлараро мавқеини сақлаб қолиш ва келажак тараққиётини таъминлаш ягона минтақавий интеграциялашув асосида ҳал этилиши мумкин.

XX асрнинг 90 йилларида дунёда “совуқ уруш” ҳавфи барҳам топган бўлиб, биполяр мафкуравий кураш ўрнида кўп қутбли дунёнинг вужудга келиши, собиқ Иттифок ўрнида миллий мустақил давлатларнинг шаклланиши, уларда тарихан изчил тараққиётнинг қайта тикланиши ва ривожланган давлатлар сингари бозор муносабатларига асосланган демократик жамият қуриш, ислохотларининг изчилликда амалга оширилиши табиий равишда минтақада жойлашган давлатлар ўртасида тенгликка асосланган яъни минтақавий муносабатларни шаклланиши жараёнида ички ва ташқи омилар таъсирида юзага келаётган турли дунёвий характердаги муаммоларнинг пайдо бўлиши, унинг ечимида минтақавий интеграция ҳаётий зарурият эканлиги масаланинг долзарблигидан далолат беради. Хусусан, дунё мамлакатларнинг ҳозирга глобаллашуви ва минтақавийликка интилаётган бир шароитда мавжуд муаммоларни цивилизацион йўллар билан ҳал этиш, кескинлигини юмшатиш орқали интеграцион жараёнлар учун барқарор ҳуқуқий, институционал муносабатларни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Ўзбекистон геосиёсий потенциалидан келиб чиққан ҳолда, унинг минтақавий интеграциялашуви жараёнидаги мавқеини таҳлил қилиш ва ўрганиш, минтақада эркин иқтисодий ҳудуд ташкил этиш ва мамлакат экономикасини ҳар томонлама ҳудудий жиҳатидан тадқиқ этишни интенсив тараққиёт йўлига тўлалигига ўтказиш, минтақавий интеграциялашувининг асосий йўналиши ва мезонларини аниқлаш ҳамда уни жадал суратларда амалга ошириш